

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI
O‘ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI

USANOVA NAIMA ABDUSAIDOVNA

O‘ZBEK XALQ TOPISHMOQLARIDA TAQLIDLAR

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar :
Prof. M.Qurbonova

Toshkent – 2014

МУНДАРИЖА

Ишнинг умумий тавсифи.....	3
КИРИШ.....	7
I БОБ. Тақлид сўзлар ҳақида маълумот.....	9
II БОБ. Ўзбек халқ топишмоқларида товушга тақлид сўзлар.....	25
III БОБ. Ўзбек халқ топишмоқларида ҳолатга тақлид сўзлар.....	34
ХУЛОСА.....	44
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	48
ИЛОВА	50

Ишнинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. “Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормокда.”¹ Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.”² Бу эса ўзбек тилшунослиги зиммасига жуда катта вазифаларни юклайди. Ана шундай вазифалардан бири халқ оғзаки ижоди тури топишмоқ жанри ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишдан иборатдир.

Тадқиқот мақсади:

Ўзбек халқ ижодиётида пишиб етилган топишмоқ жанрининг тил хусусиятларини таҳлил қилиш. Хусусан, тақлид сўзларнинг топишмоқ таркибида қўлланилиши ва тақлид сўзларнинг услубий хусусиятларини тадқиқ қилиш мақсади ҳисобланади.

Ишнинг вазифалари:

1) Топишмоқлар таркибида қўлланган тақлид сўзнинг товушга асосланиб ясалганлиги;

¹Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз, 7-жилд. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 132-б.

²Каримов И.А., Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: «Ўзбекистон», 2009, 3-бет.

2) Топишмоқлар таркибида қўлланган тақлид сўзнинг ҳолатга асосланиб ясалганлиги;

3) Топишмоқлар таркибида қўлланган ҳолатга тақлид сўзларнинг феъл сўз туркумини ҳосил қилиши;

4) Топишмоқлар таркибида қўлланган товушга тақлид сўзларнинг феъл сўз туркумини ҳосил қилиши;

5) Топишмоқлар таркибида товушга тақлид сўзларнинг такрорий қўлланилиши;

6) Топишмоқлар таркибида ҳолатга тақлид сўзларнинг такрорий қўлланилиши;

7) Топишмоқлар таркибида қўлланган бирдан ортиқ тақлид сўзларнинг иштирок этиши;

8) Топишмоқлар таркибида қўлланган бирдан ортиқ ҳолатга тақлид сўзларнинг иштирок этиши;

9) Топишмоқлар таркибида қўлланган товушга тақлид ва ҳолатга тақлид сўзларнинг иштирок этиши;

Тадқиқот объекти ва предмети:

Ўзбек халқ топишмоқлари ишнинг объектини ташкил қилса, ишнинг предмети уларда иштирок этган тақлид сўзлардир.

Ишнинг илмий янгилиги:

Ўзбек халқ топишмоқларида тақлид сўзларнинг қўлланилиши мавзуси биринчи маротаба тадқиқ қилинди. Изланишлар жараёнида ўзбек халқ топишмоқларининг анъанавий ва замонавий турларининг юзага келиши, шаклланиши ва бугунги кундаги кўриниши, топишмоқларда товушга ва ҳолатга тақлид сўзларнинг ишлатилиши ўрганилди. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид масалалар хулосалар орқали ҳал қилишга ҳаракат қилинди.

Ишда фойдаланилган методлар:

Иш мавзусини ёритишда тавсифий ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми: Битирув малакавий ишининг тузилиши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

КИРИШ

Ўзбек тилига 1989-йил 21-декабрда “Ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилди. Сал ўтиб, яъни 1991-йил 1 сентабрда эса, “Ўзбекистон мустақил республика” деб эълон қилинди. Юртимиздаги, ўнлаб йиллар давомида кутилган бу хабар бутун ўзбек халқини мамнун этди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлат ўтмиш маданий меросимизни қайтадан тиклаш, одамларнинг қалбида тутқунликда ётган қадриятларга кенг йўл очиш сиёсатини амалга оширди. Ҳар бир тадбир ўзининг амалий ечимига эга бўлиши билан бирга халққа озодлик шабадасини етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда амалга оширилди. Миллат ўтмиши ва келажаги ҳақидаги мулоҳазалар, аجدодларимиз кашфиётларидан ҳосил бўлган ғурур туйғуси ўзбекнинг қалбидан ўрин ола бошлади: дин, маданий мерос, қадриятлар, миллий ғурур ҳақида ҳадиксирамай, баралла мулоҳаза юритиш имкони яратилди.

Аслида, ўзбекларнинг дунёда илғор маданиятга эга бўлган халқ эканлигини тасдиқловчи фикрлар мустабид тузумда ҳам айтилган эди. Аммо бундай ҳур гапларнинг муаллифлари қатағон қилингандилар.

Юртимиз мустақил деб эълон қилинмасдан ҳам халқ қадриятларини тиклашга уринишлар бўлганини айтган эдик. Улардан бири сифатида 1990-йилда давлат томонидан Наврўз байрамини умумхалқ байрами деб эълон қилинганини, бу кун дам олиш куни деб белгиланганини ва шу йили Наврўз тантаналари катта тайёргарлик билан ўтказилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Аммо барибир 1991-йилда Ватанимизнинг мустақил деб эълон қилиниши ва ўнлаб мамлакатлар томонидан бу мустақилликнинг тан олиниши ўтмиш қадриятларимизга бўлган муносабатда янги давр очди.³

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асаридаги «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий негизлари» деб аталган бўлимда: «Ўзбекистонни янгилаш ва

³Мадаев О ва бошқалар. Академик лицейлар учун дарслик. Т.:ШАРҚ - 2010

ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланади», - дейилган.

«Бу негизлар:

- умуминсоний кадриятларига содиқлик;

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

- ватанпарварлик» - деб белгилаб қўйилган.

Мазкур бўлимнинг давомида: «Халқнинг маънавийруҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир», - деб кўрсатиб ўтилади.

Халқ ҳамиша ёшларнинг зийрак, яхши хотирали, фикрловчи инсон бўлишини истаган. Агар халқ дostonлари, эртакларини ўқисангиз, асар қаҳрамонлари турли синовлардан ўтишига гувоҳ бўласиз. Бу синовларнинг бир тури жисмоний куч талаб қилса, иккинчи хили ақл, идрок билан ҳал этилади. Жумладан, шундай эртақлар борки, уларда маъшуқа қизлар турмушга чиқадиган йигитлари олдига шахмат ўйнаш, жумбоқли саволларга жавоб бериш шартини қўядилар. Аслини олганда, бу синовларнинг ҳаммаси ўзига хос топишмоқлардан иборатдир.

Халқимиз оғзаки ижодининг кичик жанрларидан бири топишмоқлардир. Бу жанр кўпроқ болаларни кузатувчанликка, ҳаётни мукамалроқ билишга, синчковликка ўргатади. Аммо топишмоқлар фольклорда фақат ёш болаларгагина тааллуқли деб ҳисоблаш тўғри эмас, чунки топишмоқ айтиш ва топиш мусобақаларида катталар ҳам қизиқиш билан иштирок этаверади.

Биламизки, ўзбек адабий тилининг асосини халқ тили ташкил қилади. Шу маънода ҳозирги ўзбек адабий тилининг ички манбаларини текшириш мақсадида халқ оғзаки ижодига мансуб асарларга мурожаат қилиш муҳим саналади. Бундай асарлардан бири топишмоқ жанри бўлиб, бу жанр фикрни лўнда ифодасини бериш учун ҳозирги ўзбек адабий тилидан тақлид сўзларни, халқ оғзаки ижодидан топишмоқларни қиёсан

ўраниш, топишмоқ таркибида келган тақлид сўзларнинг услубий хусусиятларини таҳлил қилиш битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги саналади. Кўп асрлик халқ донишмандлигининг дурдоналари — топишмоқлар инсон идроки, кузатувчанлиги, поэтик тасаввур қобилиятини ўстирувчи ақлнинг қувноқ ўйини, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, аجدодларимизнинг руҳий олами, тарихий ўтмишини билишда калит вазифасини ҳам ўтайди. Улар тарихий маданиятнинг бебаҳо ҳужжатларидир. Ушбу муносабат билан А. Н. Толстой шундай деб ёзган эди: «Оғзаки адабиётни халқ кўнгилхушлигининг мевасигина деб ўйлаш хато. У халқнинг ақли ва виждонидир. У халқнинг собит маънавий қиёфаси ва тарихий хотиротидир». Ҳақиқатан қадимда халқ топишмоқлари ҳозиргидан ўзгача аҳамиятга эга бўлган. Биз топишмоқларнинг яратилиши, унинг образлари кўпгина ҳолларда мифология, қадимий ҳаёт тарзи билан боғлиқлигига ишонамиз. Ажойиб истиоралар, ёрқин қиёслашлар, образли ифодалар билан жилоланган ўзбек топишмоқлари қадимий қуёшли ўзбек ерининг жозибаси ва ўзига хослигини тасвирлабгина қолмай, фольклор асарлари силсиласида улкан эстетик қиммати билан халқ маънавий дунёси тараққиётининг хазинаси сифатида бизнинг кунларимизда ҳам жамиятимиз яхлит маданий ҳаётининг муҳим тармоғи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон жумҳуриясида қадимий ва истеъдодли халқнинг маданияти янада гуллаб-яшнади. Аҳолининг барча табақалари фольклор асарларини тўплашга жалб қилинди. М. Афзалов, З. Хусаинова каби олимлар ўзбек топишмоқларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт институти архиви фондида ўзбек топишмоқлари бўйича улкан материал тўпланди.⁴ Мазкур ишда ўзбек тилида мавжуд топишмоқлар таркибидан тақлид сўзлар қатнашган топишмоқлар ажратиб олинди ва қуйидаги хусусиятлар кўриб чиқилди.

⁴Мадаев О ва бошқалар. Академик лицейлар учун дарслик. Т.:«ШАРҚ» - 2010. 151-б.

I БОБ. Тақлид сўзлар ҳақида маълумот

Ўзбек адабий тилининг шаклланишида халқ топишмоқларининг ўрни бекиёсдир. Чунки халқ эпик тафаккурида пишиб етилган топишмоқлар ўзбек тили асосида асрлар оша мавжудлигини сақлаб келмоқда. Умуман олганда, ўзбек тили ва халқ топишмоқлари ўртасида азалий боғлиқлик бўлиб, бир-бирини тўлдириб турадиган жиҳатлари мавжуд. Мазкурбитирув малакавий ишида ана шу жиҳатлардан бири бўлган, тақлид сўзларнинг топишмоқлар таркибида қўлланишини тадқиқ қилиш назарда тутилади.

Бизга маълумки, табиатда уч хил товуш мавжуд: физик, биологик ва нутқ товуши. Физик товуш жонли ва жонсиз мавжудотнинг барчасига хос бўлиб, ҳавонинг сиқилишидан ҳосил бўлади. Биологик товуш жонли мавжудотга хос ва тириклик белгисидан бири. Ҳайвон ва паррандаларнинг овози, кишининг гап ҳосил қилмайдиган товуши: кийқирик, хуррак, кулгу, йиғи овози.

Нутқ товуши фақат инсонга хос бўлиб, уч хил хусусияти бор:

1. Ижтимоий табиатга эга.
2. Маъно фарқлайди.
3. Нутқ ҳосил қилади.

Аммо бу товушлар узвий боғлиқликда, бир-бирида намоён бўлади.

Нутқ товушларининг уч томони мавжуд: а) акустик, б) талаффуз (физиология) в) вазифавий томонлари. Биринчидан, нутқ товушлари инсоннинг нутқ аъзолари ҳаракати натижасида майдонга келади. Нутқ товушларининг бу томони унинг талаффуз (физиологик) белгиси ҳисобланади ва у физиология фани билан узвий боғлиқликда ўрганилади. Нутқ аппарати ўпка, бўғиз, товуш пайчалари, оғиз бўшлиғи, танглай, тил, лаб, бурун, тиш каби аъзоларни ўз ичига олади. Иккинчидан, ҳар қандай товуш ҳавонинг тебраниши натижасида ҳосил бўлади. Шунинг учун уларнинг ҳаммаси маълум сифат белгисига: баландлик, куч (ёки тезлик), миқдор

(ёки узунлик) ва тембр белгиларига эга бўлади. Товушларнинг бу томони акустик томон дейилади ва у физика фани билан алоқада ўрганилади. Учинчидан, нутқ товушлари маълум мақсадда талаффуз этилади. Товушларнинг кетма-кет талаффуз қилинишидан маълум ахборот узатилади. Демак, товушлар маъноли бирликлар таркибида уларни моддий томондан шакллантириш ва маъносини бир-биридан фарқлаш вазифасини бажаради. Масалан, *соли* билан *шолисўзлари* биринчи товушлари билан, *сот* билан *сочсўзлари* охириги товушлари билан, *сот* билан *сутсўзлари* ўртасидаги товушлари билан фарқланади. Товушларнинг бундай белгилари уларнинг вазифавий белгиси саналади ва у фақат инсон товушларигагина хос белги ҳисобланади.⁵

Табиатда инсондан ташқари жуда кўплаб тирик жонзотлар яшайди. Уларда ҳам ўзига хос нутқ аппарати мавжуд. Мана шу нутқ аппарати ёрдамида улар турли-туман овоз чиқарадилар. Итларнинг вовуллаши, мушукнинг миёвлаши, товуқнинг қақолаши ҳеч биримизга ёт эмас. Бундан ташқари, теvarак-атрофимизда беадад воқеа ва ҳодисалар содир бўлиб туради: нарсалар бир-бирига тегади, урилади. Натижада, ҳар хил овозлар ҳосил бўлади. Инсон ўз фаолияти давомида мана шу овозларга тақлид қилишга уринади. Тилшуносликда бундай овозлар тақлид сўзлар атамаси билан юритилади. Товушга ва ҳолатга тақлидни билдирган сўзлар тақлид сўзлар деб аталади. Бундай сўзлар нималарга тақлидни билдириши жиҳатидан икки турга бўлинади:

1) Товушга тақлид билдирадиган сўзлар нарса ва мавжудотларнинг овозларига тақлидни ифодалайдиган сўзлардир: гумбур-гумбур, дуп-дуп, дук-дук, шиқ-шиқ, қий-чув, так-тук, ғарч-ғурч, култ-култ, бидир-бидир, вов, ув, ирр, мўў, маа, баа, мее, инг-инг, анг-анг, миёв, вақ-вақ, виш-виш, ку-ку, парр, виз-виз. Масалан, ға-ға (ўрдак овозига тақлид)...

⁵Бахтиёр Менглиев, Орал Холиёров. Она тили қомуси. Т.: 2010.

2) Ҳолатга тақлид билдирадиган сўзлар нарса ва мавжудодларнинг ҳолатига тақлидни ифодаладиган сўзлардир: ялт-юлт, апил-тапил, ярқ-юрқ, жимир-жимир, милт-милт, лип-лип, ғивир-ғивир, дик-дик, лик-лик, данг, хил-хил, хилп-хилп. Масалан, лип-лип (чироқнинг ҳолати), жимир-жимир (сувнинг ҳолати).

Тақлид сўзлар якка ҳолда, жуфт ва такрорланган ҳолда қўлланади. Жуфт ва такрорланган тақлид сўзлар орасига чизикча қўйилади. Тақлид сўзлар мустақил сўзлар каби гап бўлаги бўла олади.

Синтактик хусусияти:

Тақлидлар синтактик вазифасига кўра сифат ва равишга яқин туради ва унинг сўроғига жавоб бўлади:

- 1) сифатловчи-аниқловчи: Гангур-гунгир суҳбатга кулок солиб ўтирди. Дахлизда шивир-шивир овоз эшитилди.
- 2) Ҳол: Шамол ғир-ғир эсмокда.
- 3) От-кесим: Миясида ақл ғиж-ғиж.

Товушга тақлид сўзлар баъзан отлашиб, кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларини қабул қилади ва эга, қаратқич аниқловчи ҳамда тўлдирувчи вазифаларини бажаради: Одамларнинг ғовур-ғовури босилди. Юрагининг дук-дукини эшитди. Чуғур-чуғурнинг тўхташи амри маҳол.

Тақлид сўзлар эгалик ва келишик қўшимчаларини олиб, турланади ва гапда от бажарган вазифаларда келади. Масалан, Шамолда баргларнинг шитир-шитири эшитилади. Дарёнинг шов-шуvidан кулоқларимиз битиб колаёзди.

Тақлид сўзларнинг барчасидан феъл ясалади: шовулламоқ, гум-бурламоқ, дупирламоқ, қарсилламоқ, ялтилламоқ каби.

Тақир-туқур, қарс-қурс, гун-гун, така-тум-так, гир-гир, миёв-миёв, лик-лик, ялт-юлт, лапанг-лапанг, гумбур-гумбур, шов-шув, дир-дир, даг-даг, ниш-ниш, тақ-туқ. Товушга тақлид сўзлар эшитиш билан, образга тақлид сўзлар кўриш билан алоқадордир, яъни товушга тақлид сўзлар ифодалаган товушни фақат эшитиш мумкин (*қарсқурс, тақ, дукдук, гийқ, миёв* каби);

образга тақлид сўзлар ифодалаган ҳолат, ҳаракатни фақат кўриш мумкин (*живир-живир, лип-лип, ялт-юлт, ханг-манг* каби). Эслатма тарзида шуни таъкидлаш лозим:

1) Тақлид кўшма шаклда бўлмайди. Улар этмоқ, демоқ, қилмоқ ёрдамчи феъли билан бирикиб, кўшма феъл ҳосил қилади: *дик этмоқ, шир этмоқ, тикир қилмоқ, ғиз этмоқ*.

2) Тақлид ва ундов сўзлар ясалиш хусусиятига эга эмас, лекин бундай сўзлар бошқа туркум сўзларнинг ясалишига асос бўлади: *шивир-шивир=шивирламоқ*(феъл), *варр=варрак, шар=шаршара* (от).

Тақлид сўзлар ва халқ топишмоқлари ўртасидаги ўзаро муносабат куйидагиларда намоён бўлади:

1) Топишмоқлар таркибида қўлланган тақлид сўзнинг товушга асосланиб ясалганлиги:

1. Чик-чик этди,
Уйдан чик, деди.
(*чакка ўтиши*)

Ушбу топишмоқда “чик-чик” товушга тақлид сўзи иштирок этган бўлиб, топишмоқнинг яширин жавоби “чакка ўтиши”ни ифодалаб келади. Чиксўзи биринчи мисрада тақлид сўзни билдириб турган бўлса, иккинчи мисрада эса чикмоқ феълининг буйруқ оҳангда берилган вариантыдир. Демак, чик сўзи шаклдош сўзлар гуруҳига киради.

2. Шип этди,
Шивирғон кетди. (*Яшин*)

Бизга маълумки, товушга тақлид сўзлар қатнашган топишмоқларда, асосан, яширин жавобнинг овозига, товушига ишора қилади. Баъзи топишмоқларнинг, яширин жавобидаги сўз умуман, овоз чиқармайди. Масалан, юқоридаги топишмоқнинг яширин жавоби яшин бўлиб, овоз чиқармайди (яшин бўлаётган пайтда момоқалдирок овози бўлади). Аммо унинг тезлиги юқори бўлгани учун ҳам *шип* этган товуш чиқариши

топишмоқда ифода этилган. Демак, *шип-шип* сўзи товушга ҳам, ҳолатга тақлид қилиши мумкин.

3. Бир қушим бор ханги,

Боғдан чиқади чанги. (*Яшин*)

Бу топишмоқнинг ҳам яширин жавоби яшин бўлиб, топишмоқда қўлланган товушга тақлид сўз ханг-ханг (отлашган) сўзи унинг айнан чиқарадиган товуши эмас. Ушбу сўз яшиннинг жуда узоқдан, булутлар орасидан чиқишини ифода қилган ҳолда мазкур товушга тақлид сўзи қўлланган.

4. Қоронғи саройда бузоқ шиқирлаб,

оғзидан кўпик сочади. (*Тегирмон*)

Ушбу топишмоқ насрий шаклда бўлиб, унда шақир-шақир товушга тақлид сўзининг ясовчи кўшимчалар ёрдамида ясалган феъл шакли қўлланган. Бу топишмоқнинг яширин жавоби тегирмон бўлиб, топишмоқдаги шақир-шақир (шақирламок) товушга тақлид сўзи айнан унинг иш жараёнида чиқарадиган овозини ифода этган. Топишмоқни эшитиб тегирмон ва унинг ишлаш принципи ҳақида қизиқиш уйғониши табиий ҳол.

Тегирмон бу, ун тегирмони — донни янчиб унга айлантирадиган қурилма, иншоотдир. Ибтидоий жамоа давридаёқ пайдо бўлган. Дастлаб, дон-дун тошлар билан қўлда янчилган. Кейинчалик оқар сув ва шамол кучи билан ишлайдиган тегирмонлар қурилган. Ўзбекистон ҳудудида асосан сув тегирмонидан фойдаланилган. Сув тегирмони дўла, коса, шақилдоқ, тош, гупчак, паррак, ёғоч, хомма ва бошқа қисмлардан иборат. Новдан тушаётган сув парракка урилиб, тегирмон тошини ҳаракатга келтиради. Тегирмон тошга тегиб турадиган ёғоч эса косани тебратади. Дўладан тушаётган дон косанинг тебраниши натижасида тегирмонтош чуқурчасига тушади. Тош айланиб донни эзади, унга айлантриб, хоммага тўплайди. Хомма унга тўлганда тегирмончи тегирмонни тўхтатиб, унни бўшатиб олади. Қадимда Ўрта

Осиёда улов қўшиб ишлатиладиган тегирмонларва қўл тегирмонларидан ҳам кенг фойдаланилган. Сув ва шамол тегирмонлари ҳозир ҳам айрим жойларда сақланиб қолган. Ўзбекистон ҳудудида шамол тегирмонлар йўқ. Бугун машинаси ихтиро қилинганидан сўнг тегирмонлар анча такомиллашди.⁶

5. Гур-гур этар, учар кетар,
Юртдан юртга одам элтар. (*Самолёт*)

Топишмоқда иштирок этган тақлид сўз (*гур-гур*) товушга тақлид бўлиб, бу кўмакчи феъл ёрдамида кесим сифатида шаклланиб, бутун бошли содда гапни ташкил этган. Топишмоқнинг жавоби самолёт бўлиб, (рус. сам — ўзим ва летать — учмоқ), аэроплан — ҳаводан оғир учиш аппарати. Двигатель ёрдамида илгарилама ҳаракатланганда қанотларда вужудга келадиган кўтариш кучи таъсирида ердан кўтарилади. Двигатель валига ўрнатилган винт тез айланганда ҳосил бўладиган тортиш кучи (поршенли двигателлар ўрнатилган самолётда) ёки сопло орқали катта тезликда чиқадиган газларнинг итариш кучи (реактив двигателли самолёт да) таъсирида олдинга ҳаракатланади (учади).

2) Топишмоқлар таркибида қўлланган тақлид сўзнинг ҳолатга асосланиб ясалганлиги:

1. Милдир-милдир мунчоқ,
Эрта турсам бири йўқ. (*Осмон, юлдузлар*)

Топишмоқда иштирок этган тақлид сўз милдир-милдир товушга тақлид сўзи бўлиб, бунда тақлид сўзнинг асл, яъни ясалмаган шакли қўлланган ва гапда мунчоқнинг кичкина ва милдираб туриши бутун бошли содда гапни ташкил этган.

2. Кичкинадир ўзи,
Йилтир-йилтир кўзи. (*юлдузлар*)

⁶Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004.

Ушбу топишмоқда эса, фақат юлдуз топишмоқнинг яширин жавоби бўлиб, унинг хусусиятини, яъни митти-митти тарзда кўринишгани сабабли ҳам ялт-ялт эмас, балки йилт-йилт ҳолатга тақлид сўзи асос қилиб олинган. Хўш, юлдуз ҳақиқатан ҳам кичкина ва митти-митти тарзда кўринишдами? Йўқ, аслида юлдузлар ҳам қуёш сингари ёруғлик сочувчи осмон жисмлари; асосан, қайноқ плазмадан таркиб топган, Гравитация (тортишиш) кучлари таъсирида газчанг муҳити (асосан, водород ва гелий) дан ҳосил бўлади. Қуёш Ердан тахминан 150 млн. км узоқда, Галактикамиздаги юлдузлар эса унга караганда минг, ҳатто миллион марта узоқда жойлашган. Энг яқин юлдузларгача бўлган масофа Ердан Қуёшгача бўлган масофадан 66 минг баробар катта. Қуёш Ерга яқин бўлгани учун юлдузлардан катта бўлиб кўринади. Ёруғлик Қуёшдан Ерга 8,3 мин.да, бизгача энг яқин бўлган Центаврнинг масофасидан ёруғлик 4 йилу 3 ойда етиб келади. Шунинг учун юлдузлар бизга (катта телескопларда ҳам) ҳамма вақт ёруғ нуқта бўлиб кўринади. Телескопсиз осмон сферасида кўпи билан олти минг, кичик телескопда бир неча ўн минг, катта телескопда эса бир неча юз млн. юлдузларни кўриш мумкин. Бизнинг Галактикамизда ҳаммаси бўлиб тахминан 120 млрд. юлдузлар бор. Юлдузларни ўрганиш инсонларнинг моддий ҳаёт эҳтиёжи (*календарь* тузиш, аниқ вақтни белгилаш, саёҳат вақтида юлдузларга қараб йўналишни аниқлаш ва бошқалар) тақозо қилган.⁷

3. Жонон коса, кўзи ўйнар,

Сочлари жилва-жилва. (*булоқ*)

Топишмоқда иштирок этган тақлид сўз жилва-жилва ҳолатга тақлид сўзи бўлиб, бунда топишмоқнинг яширин жавоби *булоқнинг* ер остидан қайнаб чиқишини ифода этади. Топишмоқда иштирок этган *жилва-жилва* ҳолатга тақлид сўзи асл ҳолатда, яъни ясалмаган шаклда қўлланган ва гапда *булоқнинг* жилваланишини, айниқса, қуёш нурида жилволанишини ифодалайди. *Булоқ*, яъни чашмалар — ер ости сувларининг

⁷Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004. Ю-ҳарфи.

табiiй ҳолатда ер юзасига чиқиши (куруқликда ёки сув остида). Булок сувли қатламларни дарё водийлари, жарликлар, кўл чўкмалари кесиб ўтишидан, тектоник ёриқлар, отқинди ва чўқинди жинслар контакт зоналари мавжудлигидан, сувли жинслар филътрация хоссасининг бир хил эмаслигидан пайдо бўлади. Булоқлар 2 га бўлинади: 1) қайнар булок — ер остидан гидростатик босим, газ ва буғлар таъсирида ер юзасига чиқади. 2) сокин булок — сизот сувли қатламларнинг олдини сув ўтказмайдиган жинслар тўсиб қолиши ёки очилиб қолиши, карст булоқларининг ер юзасига чиқишидан ҳосил бўлади. Карст булоқнинг катталари кўп сувли (воклюз).⁸

4. Игна учи ялтироқ. (*шудринг*)

Ушбу насрий топишмоқнинг яширин жавоби шудринг, топишмоқда қўлланган тақлид сўз эса, асоси ялт-ялт бўлган ялтироқ сўзидир.

Шудринг, шабнам — кечқурун, кечаси ва сахарда юз берадиган ердаги нурланиш ҳисобига ҳавонинг совиши ва сув буғининг конденсатланиши туфайли ер сиртида, турли нарсалар ва ўсимлик япроқлари устида ҳосил бўладиган майда сув томчилари. Ҳаво температураси муайян нуқта (*шудринг нуқтаси*)га тушганда ҳосил бўлади. Ҳаво очик ва кучсиз шамолли тунларда шудринг кўпроқ пайдо бўлади. Шудринглар бир кечада ўртача 0,1—0,3 мм, мўътадил кенгликларда эса 1—0,5 мм қалинликда тушади. Шудрингнинг йиллик миқдори ўртача 10—30 мм ни ташкил қилади. Эрталаб қуёш нурлари тушгач (ёки ҳаво температураси шудринг нуқтасидан ошгач), шудринг буғланиб кетади.⁹

3) Топишмоқлар таркибида қўлланган товушга тақлид сўзларнинг феъл сўз туркумини ҳосил қилиши:

⁸Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004. Б-ҳарфи.

⁹Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004. Ш-ҳарфи.

1. У ёққа ўтади қизгина,
Бу ёққа ўтади қизгина,
Қулоғига ҳалқа тақиб,
Шилдираб ўтади қизгина.
(Моки)

1) тикув машинасининг асосий қисмлардан бири — махсус мослама. Чок тикилаётган пайтда тикув машинаси игнаси ҳосил қиладиган устки ип тизмасига пастки ипни ўтказиб беради; 2) тўқув дастгоҳида танда иплари орасидан арқоқ ипларини олиб ўтадиган мослама. Машинаси ичида арқоқипи ўралган найча бўлади. Машинаси ҳомуза (арқоқ ипи билан танда ипи орасида ҳосил қилинадиган кўз) ичида эркин ёки мажбурий ҳаракат қилиб, бир кутидан иккинчисига ўтади. Машинаси ҳаракати давомида арқоқипи найчадан бўшалиб ҳомузага ташланади. Найчадаги арқоқ ипи бир марта (кўп ҳомузали дастгоҳдар учун) ёки кўп марта ташлаб ўтишга етарли бўлиши керак. Қадимий тўқув дастгоҳларида машинасини ҳомуза тирқишидан тўқувчи қўлда олиб ўтказарди. Ҳозирги автоматик тўқув дастгоҳларида зарб механизмлари ёрдамида машинаси ўз-ўзидан бориб келади.

Ғоз қақиллаб ўтар,
Қаноти *шарқиллаб ўтар.*(Моки)

Илгари моки ёғоч (пальма, шамшод, ўрик ва б.), ҳайвон шоҳидан ясалган, ҳозир, асосан, темир ва пўлатдан ясалади. Мокиларнинг ўртаси тўртбурчак шаклида ўйилиб, икки ёнида тешик (кўз) қилинади (найчадаги ип учи шу тешикдан ўтказилади). Моки кўзи, одатда, чиннидан қилинади. Ёғоч мокининг икки учи ўткирланиб, метал учлик кийдирилади.

2. Қора товук *қақирлайди,*
Қанотлари *шақирлайди.* (моки)

Қандай тўқув дастгоҳларида ишлатилишига қараб, мокилар автомат дастгоҳ мокиси (ичидаги узунчоқ бўшлиққа ипли найча жойлашади), механик дастгоҳ мокиси (ўртасида ипли найча ўрнатиш учун металл стержень бўлади), мовут тўқишда ишлатиладиган моки ва бошқа хилларга бўлинади. Механик дастгоҳларда моки ичидаги найча арқоқ ипи тугаса, бўш найчани тўлиқ найчага алмаштириш учун дастгоҳ тўхтатилади, автомат дастгоҳларида эса бу иш улар ишлаб турган пайтда автоматик тарзда бажарилади.

Биз таҳлилга тортган уч топишмоқнинг яширин жавоби моки бўлиб, таркибида иккита ҳолатга тақлид сўз қатнашган ва турли вазифаларда қўлланган. “Шақирламок” ва “қақирламок” феъллари “шақир-шақир” ва “қақир-қақир” сўзларидан олинган бўлиб, бир топишмоқ таркибида феъл сўз туркуми сифатида қўлланган.

4) Топишмоқлар таркибида қўлланган ҳолатга тақлид сўзларнинг феъл сўз туркумини ҳосил қилиши:

1. Узун-узун из келар,
Узун бўйли қиз келар,
Қошгинаси *қалтираб*,
Кўзгинаси *ялтираб*.
(Сув, ариқ)

Ушбу шеърий топишмоқнинг яширин жавоби иккита, яъни *сув* ва *ариқ* топишмоқда қўлланган тақлид сўз эса, асоси *ялт-ялт* ва *қалт-қалт* бўлган *қалтираб* ва *ялтираб* сўзларидир. Улар сув ва ариққа хос хусусиятларни ифодалайди.

2. Бешта ботир,
Орқаси *ялтир*. (Тирноқ)

Ушбу шеърий топишмоқнинг яширин жавоби *тирноқ* бўлиб, топишмоқда қўлланган тақлид сўз эса, асоси *ялт-ялт* бўлган *ялтир*

сўзидир. Аммо *ялтир* сўзининг ўзи ҳам такрор ҳолда (*ялтир-ялтир*) келиб, ҳолатга тақлид сўз бўлиб келади.

3. Қамиш таги *қалтирар*. (*Балиқ*)

Ушбу насрий топишмоқнинг яширин жавоби *балиқ* бўлиб, топишмоқда қўлланган тақлид сўз эса, асоси *қалт- қалт* бўлган *қалтироқ* сўзидир. Бу топишмоқнинг яширин жавоби *балиқ*нинг ҳаракатига нисбатан қўлланган ва ҳолатга тақлид сўз бўлиб келади.

4. Узун-узун из қолган,
Зар коқилли қиз борган.
Боши *қалтироқ*,
Кўзи ғилайроқ. (*Илон*)

Бу топишмоқ шеърий шаклда бўлиб, яширин жавоби *илон*. Топишмоқда олдинги қўлланган тақлид сўз эса, асоси *қалт- қалт* бўлган *қалтироқ* сўзидир. Бу топишмоқнинг яширин жавоби *илон*нинг ҳаракатига нисбатан қўлланган ва ҳолатга тақлид сўз бўлиб келади.

5) Топишмоқлар таркибида товушга тақлид сўзларнинг такрорий қўлланилиши:

1. Шилдир-шилдир сув кечар,
Оёғи сувга тегмас. (*Туғилмаган қулун*)

Ушбу топишмоқ кўшма гап тарзида қурилган бўлиб, топишмоқдаги *шилдир-шилдир* товушга тақлид сўз. Топишмоқни синтактик таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда тақлид сўз тарз ҳоли(қай ҳолатда?) вазифасида келмоқда. Топишмоқнинг жавоби ҳали туғилмаган қулун (отнинг боласи).

2. Зув-зув борар,
Зув-зув келар.
Достон ўқир,
Ғалвир тўқир. (*Ари*)

Топишмоқ таркибида келган тақлид сўз товушга тақлид бўлиб, асаларининг тинимсиз меҳнат қилиш жараёнида чиқарадиган товушига нисбатан “зув-зув” сўзи олинади.

3. Касби доим тақир-туқур,
Қайда илон кўрса чўқир. (*Лайлак*)

Ушбу топишмоқ таркибида келган тақлид сўз ҳам товушга тақлид бўлиб, *лайлак*нинг ердан чўқилаб дон-дун териб ейиши жараёнида чиқарадиган товушига нисбатан “*тақир-туқур*” сўзи олинади.

6) Топишмоқлар таркибида ҳолатга тақлид сўзларнинг такрорий қўлланилиши:

1. Ликинг-ликинг йўрғаси бор,
Кумуш чоқли сирғаси бор. (*Олашақшақ*)

Ушбу топишмоғимиздаги тақлид сўз *ликинг-ликинг*, яширин жавоби *олашақшақнинг* ҳаракат белгисини билдиради ва ҳолатга тақлид сўз бўлиб келади. Чунки *олашақшақнинг* *ликинг*лаб, ердан чўқилаб дон-дун териб ейиш ҳаракатига нисбатан *ликинг-ликинг* тақлид сўзи олинади

4. Зув-зув борағай,
Томдан қарағай.
Чўп, лой чўқиғай,
Сават тўқиғай. (*Қалдирғоч*)

Ушбу топишмоғимизда “зув-зув” тақлид сўзи товушдан ҳолат тақлид сўзига ўтади. Қалдирғочнинг тезкор ҳаракатига нисбатан “зув-зув” тақлид сўзи олинади.

7) Топишмоқлар таркибида қўлланган бирдан ортиқ ҳолатга тақлид сўзларнинг иштирок этиши:

1. Милтиллайди кўзлари,

Мўлтиллайди ёшлари. (*Шам*)

Бу топишмоқ шеърий шаклда бўлиб, яширин жавоби *шам*. Топишмоқда қўлланган тақлид сўз, асоси *милт-милт* ва *мўлт-мўлт* бўлган *милтиллайди* ва *мўлтиллайди* сўзларидир. Улар гапда кесим вазифасини бажариб, топишмоқнинг яширин жавоби *шам*нинг ҳаракати ҳолатига нисбатан қўлланган. *Милтиллайди* ва *мўлтиллайди* сўзлари ҳолатга тақлид сўз бўлиб келади.

2. Қора ботир қалтироқ, Сағирлари ялтироқ. (*қора атлас*)

Бу топишмоқ шеърий шаклда бўлиб, яширин жавоби *қора атлас*. Топишмоқда қўлланган тақлид сўз, асоси *қалт-қалт* ва *ялт-ялт* бўлган *қалтироқ* ва *ялтироқ* сўзларидир. Улар гапда от кесим вазифасини бажариб, топишмоқнинг яширин жавоби *қора* ҳаракат-ҳолатига нисбатан қўлланган. *Қалтироқ* ва *ялтироқ* сўзлари ҳолатга тақлид сўз бўлиб келади.

8) Топишмоқлар таркибида қўлланган бирдан ортиқ ҳолатга тақлид сўзларнинг иштирок этиши:

1. Қора товук қақирлайди, Қанотлари шақирлайди. (*моки*)

Бу топишмоқ шеърий шаклда бўлиб, яширин жавоби *моки*. Топишмоқда қўлланган тақлид сўз, асоси *қақир-қақир* ва *шақир-шақир* бўлган *қақирлайди* ва *шақирлайди* сўзларидир. Улар гапда кесим вазифасини бажариб, топишмоқнинг яширин жавоби *моки*нинг ҳаракати натижасида чиқарадиган товушига ва ҳаракат ҳолатига нисбатан қўлланган. *Қақирлайди* ва *шақирлайди* сўзлари товушга тақлид сўз бўлиб келади.

2. Ғоз қақиллаб ўтар,

Қаноти шарқиллаб ўтар. (Моки)

Бу топишмоқ ҳам шеърин шаклда бўлиб, яширин жавоби олдингиси каби моки. Топишмоқда олдинги қўлланган тақлид сўзлардан бироз фарқли, асоси *қақ-қақ* ва *шарқ-шарқ* каби товуш тақлид сўз бўлган *қақиллаб* ва *шарқиллаб* сўзлари қўлланган. Бу топишмоқнинг яширин жавоби мокининг ҳаракатига нисбатан қўлланган ва товушга тақлид сўз бўлиб келади.

9) Топишмоқлар таркибида қўлланган товушга тақлид ва ҳолатга тақлид сўзларнинг иштирок этиши:

1. Керагада керқилдак,
Ул нимади, боғлонтўз?
Бўсагада бўрқиллақ,
У нимади, боғлонтўз?
Чанғароқда чарқиллоқ,
У нимади, боғлонтўз?
(Элак, ит, чумчуқ)

Халқ орасида яшаб келаётган топишмоқлар бир жумбоқли ва кўп жумбоқли бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган *трактор* жавоб ҳисобланган топишмоқлар бир жумбоқли. Уларда фақат битта нарсанинг белгилари ҳақида маълумот берилади. Шундай топишмоқ намуналари ҳам борки, матнда бир нечта нарса топиш талаб қилинади. Ушбу топишмоқ худди шундай топишмоқларга мисол бўлади, яъни топишмоқнинг жавоби - *элак, ит, чумчуқ*. Ёки қуйидаги топишмоқ ҳам кўп жумбоқли ҳисобланади.

2. Чироқ туби йилтироқ,
Унинг ҳам оти боғлон қиз.
Қамиш боши қалтироқ,
Унинг ҳам оти боғлон қиз.
Сув ичида бирқиллоқ,
Унинг ҳам оти боғлон қиз.

Қора ёғоч бутоксиз.

Унинг ҳам оти боғлон қиз.

Бовлон қўзи суяксиз,

Унинг ҳам оти боғлон қиз.

(Яшин, найза, қурбақа, соч, она сийнаси)

Бу топишмоқнинг жавоби - *яшин, найза, қурбақа, соч, она сийнаси* кабилар бўлиб, унда асоси *қалт-қалт ва бирқ-бирқ* ҳолатга ва товушга тақлид сўзларнинг *қалтироқ ва бирқиллоқ* каби сифат шакллари иштирок этган.

Хуллас, тақлид сўзларнинг топишмоқ таркибида келиши хилма-хил бўлиб, уни бадий, эстетик жиҳатдан бойитиб келади. Халқ топишмоқларига хос хусусиятларни ифодалашда, унда рамзий кўчим усуллари яратишда тақлид сўзларнинг икки тури: товушга ва ҳолатга тақлид сўзлар фаол қўлланганлигини таъкидлашимиз лозим.

II БОБ. Ўзбек халқ топишмоқларида товушга тақлид сўзлар

Топишмоқ, топмача, жумбоқ, матал — халқ оғзаки поэтик ижодининг энг қадимий ва оммавий жанри. Жаҳондаги барча халқлар фольклорида учрайди. Топишмоқларда халқ ҳаёти, турмуш даражаси, маданияти, урф-одатлари маълум даражада ўз ифодасини топади. Топишмоқда ечилиши мумкин бўлган сўроқ мажозий шаклда ифодаланиб, унинг маъноси яширинча бўлади. Топишмоқда нарсa ёки ҳодиса бошқа нарсa ёки ҳодисага ўхшатиш, ўзарo қиёслаш, таққослаш орқали гавдалантирилади. Топишмоқлар баъзан насрий, кўпинча шеърий шаклда, композицион ва ритмик жиҳатдан ихчам, содда ва оҳангдор бўлади. Масалан, «Бир парча патир, оламга татир» (Ой); «Оппоқ дастурхон ер юзини қоплаган (қор); «Паст осмондан қор ёғар» (элак). Айрим топишмоқлар мақол хусусиятига ҳам эга бўлади. Масалан, «Ҳаммага тўн тикаман, ўзим яланғоч» (игна). Топишмоқда метафора, ўхшатиш, муболаға, сифатлаш, такрор каби ифода воситаларидан кенг фойдаланилади. Масалан, «Ўзи бир қарич, соқоли қирқ қарич» (игна), «Ер тагида олтин қозик» (сабзи), «Зилзил гилам, зил гилам, зилдан ҳам оғир гилам» (ер) каби.

Топишмоқ айтиш, асосан, болаларнинг сўз бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ҳодисалари ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини, идроки ва мулоҳаза қобилиятини кенгайтиришда тарбия воситаси ҳисобланади. Ундан дoston ва эртакларда кенг фойдаланилади. «Ошиқ Ойдин», «Ошиқ Алванд», «Хирмон Дали», «Ёзи билан Зебо», «Алпомиш» ва бошқа дostonларда, «Подшо билан донишманд чол» эртагида топишмоқ намуналари бор. Топишмоқлар билан боғлиқ масалалар фольклоршуносликда тадқиқ этилади.¹⁰

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири топишмоқ ўқувчидан зукколик, топқирлик ва мантиқий фикрлашни талаб қилади. Ушбу жанрнинг таркибидаги сўзлар ўзгармас бўлиб, барқарорлик ҳамда сўзлар

¹⁰Хусаинова З., Ўзбек топишмоқлари, Т., 1966. 7-б.

моҳиятида рамзийлик, мажозий тасвир йўсини устуворлик қилади. Ўзбек лексикасида мавжуд бўлган кўп маъноли сўзлар, маънодош, шаклдош, зид маъноли ва талаффуздош сўзлар, шунингдек, маъно кўчиш усуллари - метафора - ўхшашлик асосида маъно кўчиши, метонимия-алоқадорлик асосида маъно кўчиши, синекдоха – бутун ва қисм муносабатига асосланган маъно кўчиши кабилар топишмоқ жанрининг рамзий бўёқдорлигини оширади. Айниқса, тақлид сўзларнинг қўлланиши кўп учрайди. Сабаби, тақлид сўзлар топишмоқ жанрига хос метафорик кўринишни ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Маълум бир объектнинг ҳолати ва товуши асос қилиб олинади. Шунингдек, топишмоқ таркибида келган сўзлар билан бирга жумбоқ тарзда, яъни яширин ҳолда ўқувчига ҳавола қилинади. Масалан, қуйидаги топишмоқларга эътиборни қаратамиз:

Зув-зув борар,
Зув-зув келар.
Достон ўқир,
Ғалвир тўқир. (*Ари*)

Топишмоқ таркибида келган тақлид сўз товушга тақлид бўлиб, асаларининг тинимсиз меҳнат қилиш жараёнида чиқарадиган товушига нисбатан “зув-зув” сўзи олинади.

Асалари, болари— арилар оиласининг бир тури бўлиб, ватани Жанубий Осиё ҳисобланади. Ҳозирги даврда жанубий кенгликлардан Чекка Шимолгача тарқалган. Асаларилар, асосан, оила бўлиб яшайди. Бир оила бир она (халқ тилида «подшоси» деб ҳам юритилади), бир неча минг ишчи ва бир неча юз эркак асаларидан иборат. Бир оилада ёзда 60 — 80 минг, қишда 10— 15 минг ишчи асалари бўлади, соатига 60 км тезликда уча олади, оиладан 2 — 3 км ва ундан ортиқ масофага учиб бориб, нектар ва гул чангини йиғиш, нектарни асалга айлантириш, мум ишлаш, личинкаларни боқиш, катак куриш, уяни қўриқлаш каби ишларни бажаради. Асалари қадимдан

кимматбаҳо маҳсулотлар бўлган асал, прополис, мум, она асалари сути, асалари захари ва бошқаларни олиш, шунингдек қишлоқ хўжалик экинларини, мевали боғларни чанглатиш учун боқилади.

Кичкина митти,

Шохини тираб сув ичди. *(Ари)*

Асалари оила аъзоларининг хизмат фаолияти ўзаро боғлиқ бўлганидан уларнинг бирортаси ҳам ўзича мустақил ҳаёт кечири олмайди. Бу каби асаларига хос хусусиятлар топишмоқ жанрининг яширин жавобини ифодалаб келишга хизмат қилади.

Учиб юрган қарғанинг

Инин бузиб бўлами? *(Ари)*

каби топишмоқлар ҳам фикримизга тўла асос бўлади. Яна шундай топишмоқлар борки, уларда тақлид сўз товушдан ҳолатга тақлид сўзига ўтади. Қуйидаги топишмоғимизда “зув-зув” тақлид сўзи товушдан ҳолатга тақлид сўзига ўтган. Қалдирғочнинг тезкор ҳаракатига нисбатан “зув-зув” тақлид сўзи олинади.

Зув-зув борағай,

Томдан қарағай.

Чўп, лой чўқиғай,

Сават тўқиғай.

(Қалдирғоч)

Қалдирғоч — сайроқи *чумчуқсимонлар* оиласи. Қанотлари узун ва ингичка; узоқ ва тез учишга мослашган. Деярли фақат ҳашаротлар билан озиқланади. Оёқлари калта, ерда яхши юролмайди. Шунинг учун ерга фақат ин қуриш даврида материал йиғиш учун қўнади.¹¹

¹¹Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004. Қ-ҳарфи.

Оққина кучук хов-хов этди,

Қорни тўйиб ағнаб кетди.

(Урчук)

Гув-гув этади,

Марғилон кетади.

(Урчук)

Гув-гув этар,

Қорни тўйса юмалаб кетар.

(Урчук)

Юқоридаги топишмоқларда *хов-хов*, *гув-гув*, *гув-гув* каби товушга тақлид сўзлар келтирилган бўлиб, улар урчукнинг хусусиятларини ифодалашга хизмат қилади. Урчук ип йигирувчи қурулма бўлиб, ип йигиргандан сўнг, думалоқ шаклга келади. Думалоқ шаклга келган ипни думалатиб бошқасини йигиришга киришилади.

Тап-тап этади,

Тагидан карвон ўтади.

(Элак)

Тап-тап этар,

Устидан карвон ўтар.

(Кўприк)

Ушбу топишмоқларда “*тап-тап*” тақлид сўзи қатнашган бўлиб, бири тарихийроқ, иккинчиси замонавийроқ топишмоқлар сирасига киради. “*тап-тап*” товуш бирида тагидан эшитилса, иккинчисидан устидан эшитилади. Биринчи топишмоқнинг жавоби “элак” бўлиб, қадим тарихга эга. Қўлдан-қўлга ўтганда пайдо бўлган товуш “*тап-тап*” тақлид сўзи билан ифодаланади. Иккинчи топишмоқнинг жавоби эса, кўприк бўлиб, бунда “*тап-тап*” товуши орқали кўприк устидан ҳаракатланган оёқ товушига ишора қилинади. Товушга тақлид сўзлар

орасида такрор қўлланадиган *тап-тап* тақлид сўзи топишмоқларнинг кўпчилигида учрайди.

Тап-тап этиб томга чиқдим. (*Отга минии*)

Тап-тап этади,

Урсам учиб кетади. (*Конток*)

Ушбу топишмоқда тақлид сўз ҳам товущга тақлид этилган, яъни тап-тап сўзи. Бу топишмоқ ҳам қўшма гап тарзида қурилган бўлиб, унда қўлланган тақлид сўз кўмакчи феъл ёрдамида кесим сифатида биринчи содда гапни ташкил қилмоқда. Топишмоқдаги тақлид сўз (*тап-тап*)нинг ўзиданок яширин, сўроқ остидаги объект уриш ёки тепишга мўлжалланганлиги маълум бўлади.

Қора товук қақирлайди,

Қанотлари шақирлайди.

(*моки*)

Ғоз қақиллаб ўтар,

Қаноти шарқиллаб ўтар.

(*Моки*)

У ёққа ўтади қизгина,

Бу ёққа ўтади қизгина,

Қулоғига ҳалқа тақиб,

Шилдираб ўтади қизгина.

(*Моки*)

Юқоридаги топишмоқларни кузатиб шуни айтиш жоизки, тақлид сўзлар халқ оғзаки ижодида, хусусан, топишмоқларда фаол ишлатилганлигига гувоҳ бўламиз. Ҳатто, бир топишмоқ таркибига иккита тақлид сўз қатнашиб, уларнинг бирида жавоб яширин келса, иккинчисида жавобнинг ўзига хос хусусиятлари ифодаланади. Биз таҳлилга тортган топишмоқ таркибида ҳам иккита тақлид сўз қатнашган бўлиб, турли вазифаларда қўлланади. “Шақирламок” ва “қақирламок”

феъллари “шақир-шақир” ва “қақир-қақир” сўзларидан олинган бўлиб, бир топишмоқ таркибида феъл сўз туркуми сифатида қўлланган. “Қора товукқақирлаши” орқали тикиш машинасининг ўзи ифодаланган бўлса, “қанотлари шақирлайди” сўзи тикиш машинасини ҳаракатга келтирувчи “моки” деталини ифодалайди.

Иккинчи топишмоқда ҳам шу тақлид сўзлар қатнашган бўлиб, фақат товук ўрнини ғоз эгаллайди.

Учинчи топишмоқда эса қизгина сўзи уч бор такрорланади. Бу азал-азалдан чевар эканлигини англатади. Айниқса, “қулоғига халқа тақиб, шилдираб ўтади қизгина” деб мокининг қизларга ўхшатилиши истиора йўли билан амалга оширилади. Албатта, бу каби топишмоқларнинг сўзи усталик билан топилганлиги ва маъно кўчиш усулларидан моҳирона фойдаланиш халқ оғзаки ижодининг маънан бойлигини ва эпик тафаккур қўламининг кенглигини ифодалайди.

Шилдир-шилдир сув кечар,

Оёғи сувга тегмас.

(*Туғилмаган қулун*)

Ушбу топишмоқ кўшма гап тарзида қурилган бўлиб, топишмоқдаги *шилдир-шилдир* товушга тақлид сўз. Топишмоқни синтактик таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда тақлид сўз тарз холи (қай ҳолатда?) вазифасида келмоқда. Топишмоқнинг жавоби ҳали туғилмаган қулун (отнинг боласи). Хўш, тақлид сўз бу ерда қандай вазифа бажаряпти? Унинг аҳамияти қандай? Албатта, ўринли савол? Аҳамияти шундаки, мазмунан ҳар қандай тирик жон ёки жонсиз нарсалар (билвосита) сувга тушса ёки кирса, албатта, овоз чиқади, асосан, *шилдир-шилдир* деган овоз эшитилади. Энди айтиб ўтганимиздек, сувга кирганда ёки тушганда юқоридаги овозни эшитамиз, аммо топишмоқда оёғи сувга тегмас деб, айтилади. Демак, яширин, сўроқ остидаги объект сувдан юқорида бўлади. Буни каердан биламиз? Аслида, *шилдир-шилдир* қилиб сув

кечаётган она от, унинг қорнида у билан биргаликда сув кечаётган, бироқ сувга оёғи тегмаётган *қулун* жавоби тақлид сўз (*шилдир-шилдир*) ёрдамида тез ва осон топилади. Буни бошқа бир топишмоқ мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

Олисдан *жангир-жунгир*,

Яқиндан оддий темир. (кулф, калит)

Ушбу топишмоқда “жангир-жунгир” товушга тақлид сўзи қатнашган бўлиб, топишмоқ жавобининг ўзига хос хусусиятларини ўзида ифода этади. Хусусан, яширин нарса темирдан эканлиги, қаттиқ жисм эканлиги, жуда катта ҳажмда эмаслиги қабилар ундан чиқадиган жангир-жунгир овозидан аниқланади.

Тақлид сўз топишмоқда иштирок этса, унинг жавоби осонроқ маълум бўлишининг яна бир сабаби, тақлид сўз тасвирланаётган, сўроқ остидаги объектнинг асосий хусусиятларини ўзида акс эттиради.

XX асрда фан-техника тараққиёти билан янги топишмоқлар ҳам яратилди. Уларда китоб, радио, телефон, самолёт каби нарсаларни топиш талаб қилинади. Масалан:

Ўзи оддий бир карнай,

Тили йўк, сўзлар ҳай-ҳай,

Дунёнинг тўрт бурчидан,

Хабар беради тинмай. (радио).

Ёки:

Гур-гур этар, учар кетар,

Юртдан юртга одам элтар. (*Самолёт*)

Топишмоқда иштирок этган тақлид сўз (*гур-гур*) товушга тақлид бўлиб, бу кўмакчи феъл ёрдамида кесим сифатида шаклланиб, бутун бошли содда гапни ташкил этган.

Бундай топишмоқларда фан-техника янгилиги акс этгани сабабли улар мактаб ўқувчилари учун ҳам тавсия этилди. Натижада, янги

топишмоқларни оммалаштириш ишларида ҳам маълум ижобий силжишлар амалга оширилди. Яна топишмоқларнинг яратилишида анъанавий намуналарнинг аҳамияти катта. Хусусан:

Бир туям бор гулдирок,

Ҳамма ери ялтирок.

(Трактор)

Ушбу топишмоқда тақлид сўзларнинг ҳар иккала тури: товушга ва ҳолатга тақлид сўзлар катнашган бўлиб, ҳар иккала тури ҳам яширин жавоб, тракторнинг муайян хусусиятларини ифодалаб турибди. Яъни: “гулдирок” сўзи “гулдур-гулдур” товушга тақлид сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, трактор ҳаракатланганда чиқарадиган овозига нисбатан қўлланган ва шунга кўра ҳаракат белгисини ифодалайди. “Ялтирок” сўзи “ялтир-ялтир” ҳолатга тақлид сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, тракторнинг ташқи кўриниши (ранги, ялтироқлиги)га нисбатан қўлланган ва шунга кўра ҳолатини, сифат белгисини ифодалайди.

Кўпинча бундай топишмоқлар, матнига бир оз ўзгариш киритиш билан янги топишмоқ вужудга келган. Халқ топишмоқлари бадиий жиҳатдан ҳам юксак сўз санъати намунаси ҳисобланади. Улар бадиий тасвир воситаларининг қўлланиши жиҳатидан бой ва ранг-барангликка эга. Аввало айтиш керакки, шакл жиҳатдан топишмоқлар мақоллар каби ихчамдир. Айрим олимлар таъкидлашича, топишмоқ ва мақолларнинг яратилиши давр жиҳатидан бир-биридан у қадар фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам асрлар давомида матн қайта-қайта ишланганда топишмоқларнинг бадиияти мукаммал даражага етган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тақлид сўзлар иштирокида тузилган топишмоқлар тақлид сўзлар иштирок этмаган топишмоқлардан баъзи хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан:

- Топишмоқнинг айтилиши мусиқий, оҳангдор бўлиши;
- Топишмоқ яширин жавобининг тез топилиши;

➤ Яширин жавобга хос белгилар, хусусан, товуш ва ҳолат белгиларининг тақлид сўзларда ифода этилиши ва ҳоказолар.

III БОБ. Ўзбек халқ топишмоқларида ҳолатга тақлид сўзлар

Кўп асрлик халқ донишмандлигининг дурдоналари — топишмоқлар инсон идроки, кузатувчанлиги, поэтик тасаввур қобилиятини ўстирувчи ақлнинг қувноқ ўйини, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, аجدодларимизнинг рухий олами, тарихий ўтмишини билишда калит вазифасини ҳам ўтайди. Улар тарихий маданиятнинг бебаҳо ҳужжатларидир. Ушбу муносабат билан А. Н. Толстой шундай деб ёзган эди: «Оғзаки адабиётни халқ кўнгилхушлигининг мевасигина деб ўйлаш хато. У халқнинг ақли ва виждонидир. У халқнинг собит маънавий қиёфаси ва тарихий хотиротидир». Ҳақиқатан қадимда халқ топишмоқлари ҳозиргидан ўзгача аҳамиятга эга бўлган. Биз топишмоқларнинг яратилиши, унинг образлари кўпгина ҳолларда мифология, қадимий ҳаёт тарзи билан боғлиқлигига ишонамиз.¹² Ажойиб истиоралар, ёрқин қиёслашлар, образли ифодалар билан жилоланган ўзбек топишмоқлари қадимий қуёшли ўзбек ерининг жозибаси ва ўзига хослигини тасвирлабгина қолмай, фольклор асарлари силсиласида улкан эстетик қиммати билан халқ маънавий дунёси тараққиётининг хазинаси сифатида бизнинг кунларимизда ҳам жамиятимиз яхлит маданий ҳаётининг муҳим тармоғи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон республикасида қадимий ва истеъдодли халқнинг маданияти янада гуллаб-яшнади. Аҳолининг барча табақалари фольклор асарларини тўплашга жалб қилинди. М. Афзалов, З. Хусаинова каби олимлар ўзбек топишмоқларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт институти архиви фондида ўзбек топишмоқлари бўйича улкан материал тўпланди.

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида миллий поэтика қонунлари ва принциплари асосида яратилган топишмоқлар талайгина. Ўзга халқларда бўлгани каби ўзбек халқ ижодида ҳам бадий нутқнинг *қиёслаш*, *истиора*, *жонлантириши*, *сифатлаш* каби асосий кўринишлари бир мақсадга — поэтик

¹² Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991.

идрок қилишга, воқеликни поэтик тасвирлашга бўйсундирилган. Ўзбек топишмоқларида ўзбек воқелиги, ўзбек табиати ифодаланган. Шунинг учун ҳам халқ топишмоқлари халқ бадий асарларининг жажжи намуналари саналади. Уларда «бирор нарса ёки воқеликнинг яширилган нарса билан ўхшаш томонларига асосланган — бу нарса ўрнини топишмоқ алмаштира оладиган кўчма ифодалар» берилади. Шундай қилиб, топишмоқ аниқ нарса ёки воқелик тушунчасини онгли равишда яширишга, сир тутишга асосланган кичик поэтик асардир.¹³ Асрлар ўтаверган, кекса авлодлар ҳаётий муҳим ҳисобланган сирли, шартли нутқларни, билимни ёш авлодга мерос қолдираверган. Аммо аста-секин топишмоқлар ўзининг дастлабки хусусиятларини, содда кўринишларини ўзгартиб, ўзгача характер касб этган. Ўзбек мифлари ва эртакларида кўпинча топишмоқ инсон донолигини синаш воситаси бўлиб келади, унинг ечими оғир дамларда қаҳрамон ҳаётини сақлаб қолади. Бора-бора топишмоқлар вазифаси ўзгариб, у кўпроқ сўз ўйинининг бадий формасига айланади. Уларнинг кўнгилхушлик хусусиятлари куйидаги ўзбек топишмоғида шундай ифодаланган:

Ўйин, ўйин, ўйиним,

Кўнгил очар тўйиним.¹⁴ (*Топишмоқ*)

Ҳолатга тақлид сўзларнинг топишмоқ таркибида келиши ўзига хос бўлиб, улар товушга тақлид сўзга қараганда истиоравий характерга эга бўлади. Умуман, топишмоқ жанрининг асосий тасвир воситаси метафора, яъни истиорадир. Демак, аския жанрини ийҳом санъатисиз, топишмоқларни истиорасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Истиора араб тилидан олинган бўлиб, “вақтинча омонатга, ориятга олмоқ” маъносини англатади. Истиора - мумтоз адабиётдаги шеърый санъат, бир сўз шаклини вақтинча “омонатга олиб”, бошқа, яъни кўчма маънода ишлатиш. Истиорада сўзни ўз маъносидан бошқа маънода ишлатиш ўхшашлик асосида амалга ошади. А.Ҳусайний таъкидлашича, истиорани

¹³ Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991, 4-бет

¹⁴ Юкорида кўрсатилган манбадан. 5-бет.

“ажам шуароси санойиъ қабилидан, араб фуқароси эса каломнинг зотий гўзалликларидан” деб ҳисоблаганларки, бунда муайян асос бор. Ҳақиқатан ҳам, тил ҳодисасига айланиб бўлган (масалан, “кун ботди”, “хўроз” ва х.к) истиора билан ҳали тил ҳодисасига айланиб улгурмаган (яъни санъаткорона нигоҳ билан кўрилган ўхшашлик асосидаги образли ифода) истиора бадиий-эстетик қиммат жиҳатидан тенг эмас, уларнинг биринчиси зотий гўзалликларга, иккинчиси оризий гўзалликларга (санойиъ) мансуб этилиши тўғри бўлади. Масалан, Навоийнинг:

Ул ой авсофини ахли замондин

Эшитур эрди бал яхши-ямондин, - байтидаги “ой” сўзи “ернинг табиий йўлдоши” маъносидан “омонатга олиниб”, “ёр” маъносида ишлатилган ва ўзига хос образли ифода юзага келган. Бир қарашда ой сўзини маъшуқа, ёр маъноларида ишлатиш нотабиийдек туюлса-да, нур таратиб турган ой билан ёрнинг нурли жамоли ўртасидаги ўхшашлик мана шу нотабиийликни табиий, гўзал ифодага айлантиради. Бу эса “фасохату балоғат арбоби қошинда ҳақиқаттин яхшироқдир”(А.Хусайний). Илми бадиъга оид манбаларда истиора билан ташбеҳи киноятга берилган таърифлар ўртасида фарқ сезилмайди. Бу бежиз эмас, чунки моҳиятан истиора биргина мушаббихун биҳиштироқ этган ташбеҳдир.

Ҳолатга тақлид бирон бир нарсанинг хатти-ҳаракатига, ранг-рўйига ёки маълум бир ўзига хос хусусиятларига кўра ҳосил қилинади. Топишмоқ таркибида келган ҳолатга тақлид сўзлар кўп ҳолларда феъл сўз туркумини ясайди ва гап бўлаклари жиҳатдан сифатловчи аниқловчи ва ҳол бўлиб келади. Ундан ташқари равиш сўз туркумига яқин туради. Ҳолатга тақлид сўзлар топишмоқ таркибида тақлид сўз сифатида ёки тақлид сўздан ясалган феъл сўз туркуми тарзида келади.¹⁵

Милдир-милдир мунчок,

Эрта турсам бири йўқ. (Осмон, юлдузлар)

¹⁵Қуронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. — Тошкент: Академнашр, 2010. 124-б.

Кичкинадир ўзи,
Йилтир-йилтир кўзи.¹⁶ (юлдузлар)

Бу топишмоқда “милдир-милдир” сўзи ҳолатга тақлид бўлиб, такрор тарзда қўлланган. Топишмоқда бир нечта ўхшашлик асосида маъно кўчими ҳосил қилинган. Масалан, юлдуз мунчоққа, унинг узоқдан илганган ҳолати “милдир-милдир” сўзи билан ифодаланган. “Милдир-милдир” сўзидан олинган бўлиб, топишмоқ таркибида сифатловчи аниқловчи вазифасида келган.

Иккинчи топишмоқда эса, “йилтир-йилтир” ҳолатга тақлид сўзи катнашган бўлиб, топишмоқнинг яширин жавоби (юлдуз)га хос бўлган асосий хусусиятни ифодалаб турибди. Осмондаги бошқа жисмлар: қуёш ва ойга нисбатан, “ярқ-ярқ” ва “ялт-ялт” ҳолатга тақлид сўзлари ёки ушбу сўзларнинг феъл шаклидаги “ярқирамоқ” ва “ялтирамоқ” сўзлари олинса, бизга митти-митти бўлиб, аммо йилтираб кўринадиган юлдузларга нисбатан, “йилтир-йилтир” ёки “йилтирамоқ” сўзи олинади. Масалан:

Кўкда қилич ярқирайди,
Сувда акси ялтирайди.¹⁷ (Ой)

Топишмоқларда тақлид сўзларнинг қўлланиши энг аввало, топишмоққа ўйин руҳини, яъни ўйноқи кайфиятни беради. Буни таркибида тақлид сўзлар катнашмаган топишмоқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

Қора уйда минг чирок,
Уйни ёритмас. (Осмон, юлдузлар)¹⁸

¹⁶ Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991, 221-бет

¹⁷ Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991, 221-бет

¹⁸ Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991, 223-бет

Ушбу топишмоқда ҳеч қандай тақлид сўз мавжуд эмас. Топишмоқнинг яширин жавоби ранглар ёки буюмлар орқали ифодаланган.

Маълумки, халқ оғзаки ижодида топишмоқлар шакл жиҳатидан насрий ва шеърий бўлади:

Янтоқ учи ялтироқ (*Игна*) — насрий топишмоқ.

Қилич учи қалтироқ. (*Шам*)

2. Узун-узун из қолган,

Зар қоқилли қиз борган.

Боши қалтироқ,

Кўзи ғилайроқ. (*Илон*) — шеърий топишмоқ.

Топишмоқлар халқ орасида жумбоқ, топмача, топ-топ, чўпчак, матал, масала, ушук атамалари билан атаб келинишини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Илмий асарларда эса «топишмоқ» термини «топ» буйруқ феълига «иш» ҳаракат номини ҳосил қилувчи шакл ва «моқ» кўшимчаларини кўшиш орқали ҳосил бўлган, деб кўрсатилади. Натижада «топишмоқ» сўзи халқ оғзаки ижодидаги алоҳида жанр номини билдирган. Кейинги пайтларда шевалардаги юқорида кўрсатилган атамалар деярли йўқолган. Асосан «топишмоқ» номи сақланиб қолган. Халқимиз орасида «Кичкина декча, ичи тўла михча» (анор), «Қозик устида қор турмас» (тухум), «Отдан баланд, итдан паст» (эгар) каби машхур топишмоқлар бор. Аммо «Қорагина попиш, деволга ёпиш» (калтакесак), «Қизил юлғуннинг тагида Қизларгул опам ётибди» (қирғовул) каби у қадар кенг оммалашмаган ва топиш анчайин мушкул бўлган топишмоқлар ҳам бор. Баъзан битта нарсага атаб бир неча топишмоқлар яратилган¹⁹:

1. Қоронғи саройда бузоқ шиқирлаб
оғзидан кўпик сочади. (*Тегирмон*)

2. Ер остида ғолтон гулдирайди. (*Тегирмон*)

¹⁹ Мадаев О ва бошқалар. Халқ оғзаки ижоди поэтикаси. Т.: Шарқ, 84-б.

3. У нимадир, қув ёғочдан оғзи бор,
У нимадир, ўртасида мағзи бор,
У нимадир, елкасида оғзи бор,
У нимадир, сув остида қимирлар.²⁰ (*Тегирмон*)

Бу топишмоқларнинг ҳаммасида топилиши лозим бўлган нарса тегирмондир. Матнларни диққат билан ўқисак, уларнинг моҳияти жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшаш экани аниқ сезилиб турибди.

Халқимизда шундай топишмоқлар ҳам мавжудки, уларда топилиши лозим бўлган нарсага хос белги-хусусиятлар бир хил асосли тақлид сўзлар иштирокида тузилган. Аммо бу топишмоқларнинг яширин жавоби ҳар хил. Масалан:

1. Узун-узун из келар,
Узун бўйли қиз келар,
Қошгинаси қалтираб,
Кўзгинаси ялтираб. (*Сув, ариқ*)²¹

• Дастлабки топишмоқ таркибидаги тақлид сўз “қалтираб” ва “ялтираб” сўзлари бўлиб, ҳолатга тақлид ҳисобланади ва гапда равишдош шаклида келиб, тарз ҳоли вазифасини бажариб турибди. Бу топишмоқнинг бироз қисқа “Узун –узун из кетди, Узун бўйли қиз кетди” шакли ҳам бўлиб, жавоби ариқ. Кўриниб турибдики, биз сўз юритаётганимиз “қалтираб” ва “ялтираб” тақлид сўзлари жавоблардан бири сувнинг хусусиятларини ифодалайди, яъни

- Сув ҳеч қачон ҳаракатсиз (қимирламасдан) турмайди;
- Ариқ фақат сув учун қазилади, у сувнинг йўли ҳисобланади.
- Сув узоқроққа бориши учун ҳам ариқ узун қилиб қазилади;
- Сув шаффоф бўлгани учун ҳам қуёш нури, ой ва юлдузларнинг акси тушиб, мавжланади, “ялтиради”.

²⁰ Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991, 221-бет

²¹ Юқоридаги манбадан.

- Сувнинг тинч ҳолатда турмаслиги, худди унинг қалтираётганига ўхшайди.

1. Қора туя қалтирайди,
Қобирғаси ялтирайди. (*Арра*)

Бу топишмоқнинг яширин жавоби арра бўлиб, бунда ҳам асоси “қалт” ва “ялт” ҳолатга тақлид сўзларидан ясалган “қалтирайди” ва “ялтирайди” феъллари қатнашган. Тақлид сўзлар гапда кесим вазифасини бажариб топишмоқнинг яширин жавобига хос бўлган хусусиятларни ифодалайди. Хусусан, арранинг темирдан эканлигини “қора туя” бирикмаси билдириб турса, “ялтироқ қобирғаси”нинг борлиги эса, яширин жавоб “арра”га ишора қилади.

Қора биям қалт этди,
Қовурғаси ялт этди. (*Булут, яшин*)²²

Ушбу топишмоқда таҳлил қилаётган тақлид сўзимизнинг биринчи, асос шакли кўмакчи феъллар ёрдамида гапда кесим вазифасида келганлигини кўришимиз мумкин. “Қалт” ва “ялт” ҳолатга тақлид сўзлари олдинги топишмоқлардаги сингари яширин жавобларнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этади. Топишмоқнинг яширин жавоблари булут ва яшин бўлиб, улар ҳам қимирлаган ҳолатда, доим ҳаракатда бўлади. Булутнинг бияга қиёс қилиниши шунданки, бия (байтал) вояга етган урғочи от. Унинг қора рангида ҳам маълум белгилар бор, яъни булутнинг қорасидангина чақмоқ ҳосил бўлади. Чақмоқ эса, булутнинг орасидан узун-узун қовурға мисол чақади. Ҳолатга тақлид сўзлар бу ерда кетма-кет ҳаракатни ҳам ифодалайди, яъни аввал, булут қалтирайди ва қимирлайди, сўнг яшин ялтирайди.

Қора ботир қалтироқ,
Сағирлари ялтироқ. (*Қора атлас*)

²² Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991, 221-бет

Бу топишмоқ олдинги топишмоқлардан фарқли ўлароқ, сифат сўз туркуми шаклида бўлиб, бироқ гапда аниқловчи эмас, от кесим вазифасида келган. Бу топишмоқнинг яширин жавоби қора атлас бўлиб, машхур миллий мато тури. Атлас (араб. - текис, силлиқ) - танда ипи ҳам, арқоқ ипи ҳам табиий ипакдан тўқиладиган бир юзлама силлиқ мато. Танда ипи абрбанди усулида бўяб безатилади. Алоҳида ишлов бериб атласга жило берилади, шунга кўра у товланиб туради. Илгари мато юзига кудунг урилган, ҳозирги кунда атлас иссиқ сатҳли барабан - каландрдан ўтказилади. Ўзбек атласлари ранг-баранг нафис гулларга бой, бу гуллар бир-бири билан уйғунлашиб, матода яхлит гўзал бир нақшни ҳосилқилади. Атласнинг табиий ипакдан тўқилган энг аъло нави саккиз тепкили хонатлас деб аталади.

Атлас тўқиш, айникса, Наманган, Хўжандда, шунингдек Андижон, Қўқон, Самарқанд шаҳарларида ривож топган. Атласдан аёллар либослари, кўрпа, кўрпачалар, эркаклар қийиғи ва бошқа буюмлар тайёрланади. Энг машхур атласлар: «Қора атлас», «Барги карам», «Чақирим», «Яхудий нуша», «Номозшомгул», «Шахмат», «Қора кўзим» ва бошқалар.²³ Таҳлил қилаётган топишмоғимиз таркибидаги тақлид сўз унинг жавобининг аниқ белгиларини ўзида ифода этади. Масалан:

- Атлас майин, мулойим ва нафис мато;
- Атлас доим товланиб, жилоланиб туради;
- Атлас ипакдан тўқилгани учун ҳам ёрқин, ялтироқлик хусусиятига эга;
- Атлас бошқа матоларга нисбатан енгил, озгина ҳаракатга ҳам тебраниш, "қалтираш" хусусиятига эга.

Ўзбектопишмоқларининг бугунги кунда бизгача етиб келган матнларини ўрганиш яратилиш даври жиҳатдан икки хил намуналар

²³Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004.

борлигини тасдиқлайди. Кўпчилик асарлар анъанавий топишмоқлардан иборат.

Уларнинг тили ҳам, яширинган нарса ҳам аксари маиший ҳаётда учрайдиган предметлардан иборат бўлади. Жумладан, мўри, қозон, ўчоқ, бақа, қушлар ва ҳоказолар ана шундай намуналар қаторига киради. Юқорида таҳлил қилинган топишмоқлар ҳам худди шундай анъанавий топишмоқлар саналади. Масалан:

«Ямоғи бор, йиртиғи йўк,
Қайчиламай кийган
Игналамай тиккан» (ола сигир териси).

Ўтган асрда фан-техника тараққиёти билан янги топишмоқлар ҳам яратилди. Уларда китоб, радио, телефон, самолёт, автомашина каби нарсаларни топиш талаб қилинади. Масалан:

Кўзи ялтирайди,
Ичи қалтирайди. (Автомашина)

Халқ орасида яшаб келаётган топишмоқлар бир жумбоқли ва кўп жумбоқли бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган сабзи, илон жавоб ҳисобланган топишмоқлар бир жумбоқли. Уларда фақат битта нарсанинг белгилари ҳақида маълумот берилади.

Топишмоқлар ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб борган З. Хусаинова баъзи топишмоқларда истиора санъати қўлланмаслигини, фақат арифметик ҳисоблаш орқали жавоб топилишини айтиб ўтади. Масалан:

«Бир тўда ғоз учиб борар экан. Бир ғоз рўпара келиб: «Эй юз ғоз, соғ-саломат бормисиз» - дебди. Унда улардан бири айтибди: «Биз юз ғоз эмасмиз, яна биз миқдори ғоз бўлса ва яна бизнинг ярмимиз миқдори ва ярмимизнинг ярми бўлса, у вақтда сен қўшилсанг юз ғоз бўламиз», - дебди. Ҳаводаги ғоз қанча экан?

Жавоби: $36 (36+36+18+9+1)=100^{24}$

²⁴Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. Т., «Фан», 1966. 17-бет

Топишмоқлар ҳозир ҳам халқ ижодида кўнгилхушлик воситасигина эмас, балки болалар идрокини, зеҳнини ўстиришда ўзига хос тарбия мактаби сифатида яшаб келмоқда. Ҳозир ҳам ўзларининг севимли ўйин жойларида, серсоя қайрағоч ёки кекса ёнғоқ дарахти тагида — бир-бирига топишмоқ айтаётган болаларни тез-тез учратиш мумкин. Топишмоқчи уни ечаётганда, агар у топишмоқнинг жавобини топа олмаса арзимас нарсани эмас, балки унинг шахари ёки бутун мамлакатини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда топишмоқни еча олмаган: «Шаҳар бердим», яъни енгилдим, дейди. Гарчи бу оддий ўйин бўлса-да, мағлуб ўз шаҳрини осонликча бермайди, ғолиб эса, албатта, унинг туғилган шаҳрини талаб қилади. Мана шу шарт топувчини жиддий ўйлашга, топқирликка мажбур қилади. Топишмоқларнинг тарбиявий аҳамияти ана шунда.

ХУЛОСА

Хуллас, оғзаки ижоднинг бу «ёқимтой кичик» жанрнинг тарбиявий ва дидактик имкониятлари ғоят ранг-барангдир. Топишмоқлар халқ ижодига, образли сўзга муҳаббат уйғотади, болаларга эстетик завқ бағишлаб, уларни оғзаки шеърят дунёсига олиб киради. Ўзига хос тасвирий санъатнинг, миллий бадий усулларнинг ифодаси бўлмиш бу жажжи асарлар ўсиб келаётган авлоднинг маънавий эҳтиёжларига озиқ бўлади. Топишмоқлар жаҳон гўзаллигини кўришга, хаёл ва тасаввур қилишга, дунё қувончларидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради. Топишмоқлар мақол, маталлар ва бошқа образли сўзлар каби нутқимизни безайди, унинг ихчамлиги, жарангдорлигини таъминлайди. Эзгуликка чорлаб, инсон учун энг азиз бўлган она тилига, туғилган юртига муҳаббат уйғотади.

Топишмоқларда ифодаланган нарсa ва ҳодисаларнинг кенглиги, бизнингча, топишмоқларнинг воқеликни, ўзига хос бадий шаклда тасвирлаши билан боғлиқ. Улар қандай яшашни ўргатган. Улар халқнинг маънавий тажрибасини сақлаш воситаларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам топишмоқларнинг мавзуи ғоят ранг-баранг, мазмуни жуда бой.

Ўзбек халқи яратган топишмоқлар унинг ижтимоий ҳаёти ва турмушининг барча томонларини қамраб олади. Уларнинг катта қисми деҳқон меҳнати: деҳқончилик, полизчилик, уй юмушлари билан боғлиқ; топишмоқлар ўз қизиқиш доирасига ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, уй хўжалигига оид кўплаб нарсаларни, халқ одатлари ва хислатларини ҳам қамраб олган.

Шу маънода топишмоқ таркибида тақлид сўзларнинг қўлланиш сабаби ана шундай ижтимоий ҳаёт воқеаларига бориб тақалади. Тақлид сўзнинг топишмоқ таркибида келишини умумий планда кузатиб, қуйидаги бўлинишларни таъкидлаш ўринли:

Тақлид сўзлар ва халқ топишмоқлари ўртасидаги ўзаро муносабат қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Топишмоқлар таркибида қўлланган тақлид сўзнинг товушга асосланиб ясалганлиги. Бунда тақлид сўз маълум бир товушга асосланиб турли вазифаларда келади:

- топишмоқ таркибига келган товушга тақлид сўз орқали истиоравий кўчим ҳосил қилади;

- маълум бир ҳайвоннинг товуши орқали топишмоқнинг жавобига ишора қилади;

- топишмоқ таркибида қўлланган товушга тақлид сўз табиат товушига асосланади;

- топишмоқ таркибида қўлланган товушга тақлид сўзи сифат сўз туркумига яқин туради;

2. Топишмоқлар таркибида қўлланган ҳолатга тақлид сўзларнинг қўлланишида қуйидаги хусусиятлар кузатилади:

- топишмоқ таркибида келган ҳолатга тақлид сўз орқали истиоравий кўчим ҳосил қилади;

- топишмоқ таркибида келган ҳолатга тақлид сўз маълум бир ҳайвоннинг ҳаракатига асосланади;

- топишмоқ таркибида келган ҳолатга тақлид сўз инсонларнинг хатти- ҳаракатини ифодалайди;

- топишмоқ таркибида келган ҳолатга тақлид сўз табиатдаги нарса –буюмларнинг ҳаракатига асосланади;

- топишмоқ таркибида келган ҳолатга тақлид сўз турли жисмларнинг ранг-рўйи ҳолатига асосланади;

3. Топишмоқлар таркибида қўлланган феъл сўз туркумига оид тақлид сўзларнинг қўлланишида қуйидагилар кузатилади:

- топишмоқлар таркибида қўлланган товушга тақлид сўздан ясалган феъл кўпинча такрорий тақлид сўздан ҳосил қилинади;

- топишмоқлар таркибида қўлланган товушга тақлид сўздан ясалган феъл кўпинча кесим вазифада келади;

4. Топишмоқлар таркибида товушга тақлид сўзларнинг такрорий қўлланилиши кузатилади.

5. Топишмоқлар таркибида ҳолатга тақлид сўзларнинг такрорий қўлланилиши кузатилади.

Халқ топишмоқлари бадиий жиҳатдан ҳам юксак сўз санъати намунаси ҳисобланади. Улар бадиий тасвир воситаларининг қўлланиши жиҳатидан бой ва ранг-барангликк эга. Аввало айтиш керакки, шакл жиҳатдан топишмоқлар мақоллар каби ихчамдир. Айрим олимларнинг таъкидлашича, топишмоқ ва мақолларнинг яратилиши давр жиҳатидан бири-биридан у қадар фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам асрлар давомида матн қайта-қайта ишланганда топишмоқларнинг бадиияти мукамал даражага етган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тақлид сўзлар иштирокида тузилган топишмоқлар тақлид сўзлар иштирок этмаган топишмоқлардан баъзи хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан:

- Топишмоқнинг айтилиши мусикий, оҳангдор бўлади;
- Топишмоқнинг яширин жавоби тез топилади;
- Яширин жавобга хос белгилар, хусусан, товуш ва ҳолат

белгилари тақлид сўзларда ифода этилади ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг кичик жанрларидан бири бўлиб, моҳият жиҳатидан миллат вакилларининг зийрак, синчков, кузатувчан бўлишлари учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И.А., Юксак маънавият — енгилмас куч — Т.: «Ўзбекистон», 2009.
2. Каримов И.А., Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: «Ўзбекистон», 2009.
3. Каримов И.А., Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор, - Т.: «Ўзбекистон», 2009.

II. Илмий адабиётлар ва манбалар:

4. Бахтиёр Менглиев, Орал Холиёров. Она тили қомуси. (Мактаб ўқувчилари учун)
5. Дадабоев Ҳ, Ҳамидов З, Ҳолмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. — Т.:Фан, 2007.
6. Қуронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. — Тошкент: Академнашр, 2010.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Т.,2004.
8. Аникин В. П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. М., 1957.
9. Алтай табышқактар. Алтайский загадки. Составитель, автор перевода, предисловия и комментариев К. Е. Укачина. Горно-Алтайск, 1981.
10. Даль В. И. Пословицы русского народа. М., 1957.
11. Загадаю — отгадай! Е. Т. Долгих, Т. Г. Леонова. Новосибирск, 1972.
12. Загадки. Издание подготовила В. В. Митпофанова. Л., 1968.
13. Исанбат. Табышмақлар. Казан, 1944.
14. Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. Т., «Фан» 1966.
15. Имомов К, Мирзаев Т, Саримсоков Б, Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т., «Ўқитувчи». 1990.

16. Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп жилдлик, Т., 1983.
17. Мадаев О ва бошқалар. Академик лицейлар учун дарслик. Т.: ШАРҚ – 2010.
18. Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991.
19. <http://www.freelib.in>
20. <http://www.artyx.ru>
21. <http://www.lib.ru>
22. <http://www.ziyouz.com>
23. <http://www.ziyouz.com>

Товушга тақлид сўзлар иштирок этган топишмоқлар:

1. Чик-чик этди,
Уйдан чик, деди.(чакка ўтиши)
2. Шип этди,
Шивирғон кетди.(Яшин)
3. Бир қушим бор ҳанги,
Боғдан чиқади чанги.(Яшин)
4. Шилдир-шилдир сув кечар,
Оёғи сувга тегмас.(Тугилмаган қулун)
5. Зув-зув борар,
Зув-зув келар.
Достон ўқир,
Ғалвир тўқир.(Ари)
6. Касби доим тақир-тукур,
Қайда илон кўрса чўқир.(Лайлак)
7. Тапир-тупир тўртовлон,
Ҳанграгани бировлон.(Эшак)
8. Чир-чир қушлар,
Чирмашиқ қушлар.
Ўзининг жони йўқ.
Одам келса, тишлар.(Тикан)
9. У ёққа ўтади қизгина,
Бу ёққа ўтади қизгина,
Қулоғига ҳалқа тақиб,
Шилдираб ўтади қизгина.(Моки)
10. Қуда бувам қудукка тушди,
Қулоқлари шалпиллаб тушди.(Чучвара)
11. Ғоз қақиллаб ўтар,
Қаноти шарқиллаб ўтар.(Моки)

12. Қора товук қақирлайди,
Қанотлари шақирлайди. *(моки)*
13. Урдим, гуп этди,
Ер тагига кириб кетди. *(Кетмон)*
14. Оқкина кучук хов-хов этди,
Қорни тўйиб ағнаб кетди. *(Урчуқ)*
15. Гув-гув этади,
Марғилон кетади. *(Урчуқ)*
16. Ғув-ғув этар,
Қорни тўйса юмалаб кетар. *(Урчуқ)*
17. Ғит-ғит дейди, ишлайди,
Ерга кукун ташлайди. *(Арра)*
18. Менинг кучугим ҳовуллайди,
Қорни тўқ бўлса айланади. *(Чигирик)*
19. Қоронғи саройда бузоқ шиқирлаб оғзидан кўпик
сочади. *(Тегирмон)*
20. Ер остида ғолтон гулдирайди. *(Тегирмон)*
21. Олисдан жангир-жунгир,
Яқиндан оддий темир. *(Кулф, калит)*
22. Чумчуғим чиқ этди,
Уясига кириб кетди. *(Кулф, калит)*
23. Ўттиз умуртқаси йўқ,
Қирқ қобирғаси йўқ.
Шилиқ-шилиқ этади,
Ўзи сира тўймайди. *(Меиш)*
24. Оқ эчким ичи йўқ,
Суяги йўқ, гўшти йўқ,
Ўзи шилиқ-шилиқ этади,
Юмалаб ерда ётади. *(Меиш)*
25. Так-так томдан қор ёғади. *(Элак)*

26. Талтайиб туради,
Тарсиллатиб уради.*(Кели)*
27. Тап-тап этади,
Тагидан карвон ўтади.*(Элак)*
28. Кундузи топ-топ этар,
Кечаси бовурсокдай ерда ётар.*(Ҳасса)*
29. Тақ этди, тақолон кетди,
Отаси этигини кийгунча
Боласи боғлон кетди.*(Ўт-олов, тутун)*
30. Кундузи ҳақ-ҳақ юради,
Кечаси огзини очиб ётади.*(Ковуш)*
31. Чакка томади,
Ерга тушмайди.*(Зирак-сирға)*
32. Ҳасан дорози бир букур,
Ҳовлига солади зикир.
Ҳар мўридан тутун чиқса,
Баччалар тапир-тупур.*(Карнай)*
33. Тап-тап этади,
Урсам учиб кетади.*(Копток)*
34. Юрганда шақирлаб кулади,
Тўхтаганда жим туради.*(Арава)*
35. Тап-тап этиб томга чиқдим.*(Отга минии)*
36. Бир эшагим бор ҳанги,
Қулоқлари данги,
Ўт емайди,
Сув ичмайди.*(Арава)*
37. Тап-тап этар,
Устидан карвон ўтар.*(Кўприк)*
38. Зинг этди, зинграб кетди,

Оқ қуврайнинг бошини чалиб

Ўтди, кўрдингми?(Ўқ)

39. Бир эшагим бор ханги,

Тўқимлари янги,

Ўт емайди, сув ичмайди.(Қайиқ, кема)

40. Топ-топ, топ-топ отим,

Туёқлари ялпоқ отим.

Одам кўрса кишнамас,

Ердан бир чўп тишламас.(Қайиқ, кема)

41. Керагада керқилдақ,

Ул нимади, боғлонтўз?

Бўсағада бўрқиллак,

У нимади, боғлонтўз?

Чанғароқда чарқиллоқ,

У нимади, боғлонтўз?(Элак, ит, чумчуқ)

42. Гуриллаши тегирмондай,

Лекин тегирмон эмас.

Учишлари ғажирдай,

Лекин ғажир эмас.(Самолёт)

43. Гур-гур этар, учар кетар,

Юртдан юртга одам элтар.²⁵(Самолёт)

²⁵ Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари. Т.: Ўқитувчи., 1991.

Ҳолатга тақлид сўзлар иштирок этган

топишмоқлар:

1. Қора биям қалт этди,

Қовурғаси ялт этди.*(Булут, яшин)*

2. Узун-узун из келар,

Узун бўйли қиз келар,

Қошгинаси қалтираб,

Кўзгинаси ялтираб.*(Сув, ариқ)*

3. Қамиш боши қалтироқ,

Жилға туби жалтироқ.*(Шамол, сув)*

4. Тоғда таёқ серқиллар.*(Соч ўрими)*

5. Бешта ботир,

Орқаси ялтир.*(Тирноқ)*

6. Бу ёққа ўтди лоп-лоп,

У ёққа ўтди лоп-лоп.

«Шўра» деди, қўймади,

Ютаверди соплаб.*(Туя)*

7. Бўпон-бўпон,

Енги ямоқ,

Эски чопон.

Дарди томоқ.*(Туя)*

8. Қамиш таги қалтирар.*(Балиқ)*

9. Узун-узун из қолган,

Зар қоқилли қиз борган.

Боши қалтироқ,

Кўзи ғилайроқ.*(Илон)*

10. Ликинг-ликинг йўрғаси,
Оғзида бахмал тўрваси.*(Каклик)*
11. Ликинг-ликинг йўрғаси бор,
Кумуш чоқли сирғаси бор.*(Олашақшақ)*
12. Зув-зув борағай,
Томдан карағай.
Чўп, лой чўқиғай,
Сават тўқиғай.*(Қалдирғоч)*
13. Қоронғи том ичида
Қора бузоқ диркиллар.)*(Бурға)*
14. Дик-дик этар, бути йўқ,
Ўтирай деса ўрни йўқ, *(Бурға)*
15. Ариғи бору суви йўқ.*(Бугдой)*
16. Лип этади, кириб кетади,
Чиқазолмай эсинг кетади.*(Тикан)*
17. Узоқдан ялдир-юлдур,
Ёнига келсам қулфи-калит.*(Тарвуз)*
18. Қора туя қалтирайди,
Қобирғаси ялтирайди.*(Аппа)*
19. Жинди қиз, жинди қиз,
Жин тепага чиқди қиз.
Болаларини эргаштириб,
Ҳаранг-даранг бўлди қиз.*(Қора уйнинг чанғароғи)*
20. У нимадир, қув ёғочдан оғзи бор,
У нимадир, ўртасида мағзи бор,
У нимадир, елкасида оғзи бор,
У нимадир, сув остида қимирлар.*(Тегирмон)*
21. Ости лоп-лоп,
Усти лоп-лоп,
Ўртасида кумуш қошлаб.*(Рапида)*

22. Бухородан келган лўк,
Кулга бориб чўк.*(Офтоба)*
23. Шим кампир,
Шим-шим кампир.*(Қатик соладиган кади)*
24. Ялт-ялт этади,
Ямлаб кетади.*(Ўт-олов)*
25. Қилич учи қалтироқ.*(Шам)*
26. Милтиллайди кўзлари,
Мўлтиллайди ёшлари.*(Шам)*
27. Қора ботир қалтироқ,
Сағирлари ялтироқ.*(Қора атлас)*
28. Янтоқ учи ялтироқ.*(Игна)*
29. Ҳил-ҳил туям,
Бағри ҳўл туям.*(Кўприк)*
30. Ялт-ялт этар,
Ямлаб кетар.*(Ўқ)*
31. Зинг этди, зинграб кетди,
Оқ куврайнинг бошини чалиб
Ўтди, кўрдингми?*(Ўқ)*
32. Қора биям қалт этди,
Қобиргаси ялт этди.*(Қилич)*
33. Йилт этди,
Қирдан ошди.*(Игна)*²⁶
34. Милдир-милдир мунчоқ,
Эрта турсам бири йўқ
(Осмон, юлдузлар)
- 35 Кичкинадир ўзи,
Йилтир-йилтир кўзи. (юлдузлар)

²⁶Хусаинова З., Ўзбек топишмоқлари, Т., 1966.

35. Жонон коса, кўзи ўйнар,
Сочлари жилва-жилва. (булок)
36. Игна учи ялтироқ (шудринг)
37. Кўпирим динг-динг этади,
Остидан беклар ўтади. (сув, оким)

Товуш ва ҳолатга тақлид сўзлар иштирок этган

топишмоқлар:

1. Узун-узун из кетди,

Узун бўйли қиз кетди.

Тоққа бориб тақ этди,

Сирғалари ярқ этди.

(Яшин)

2. Сув десам, сув эмас,

Шилдирайди бир нарса.

Ўт десам, ўт эмас,

Йилтирайди бир нарса.

Бошига бўркини олиб,

Бўрқиллайди бир нарса. *(Самовар)*

3. Ўзи қовоқ,

Бошида товоқ,

Оғзида карнай,

Тунлари ҳай-ҳай. *(Чироқ)*

4. Керагада керқилдақ,

Ул нимади, боғлонтўз?

Бўсағада бўрқиллақ,

У нимади, боғлонтўз?

Чанғароқда чарқиллоқ,

У нимади, боғлонтўз? *(Элак, ит, чумчуқ)*

5. Чироқ туби йилтироқ,

Унинг ҳам оти боғлон қиз.

Қамиш боши қалтироқ,

Унинг ҳам оти боғлон қиз.

Сув ичида бирқиллоқ,

Унинг ҳам оти боғлон қиз.

Қора ёғоч путоқсиз.

Унинг ҳам оти боғлон қиз.

Бовлон кўзи суяксиз,

Унинг ҳам оти боғлон қиз.

(Яшин, найза, қурбақа, соч, она сийнаси)

6. Бир туям бор, гулдирок,

Ҳамма ери ялтирок.*(Трактор)*

7. Кўзи ялтирайди,

Ичи қалтирайди.*(Автомашина)*

8. Кўкда қилич ярқирайди,

Сувда акси ялтирайди.*(Ой)*